

**ГУЛЖАМОЛ РАҲМОНОВА**

**ИСТАДИМ БЕТАКРОР  
БЎЛИШНИ**

***ШЕЪРЛАР***

**Тошкент  
«Янги аср айлоди»  
2006**

84(5У)6-5 Б2диний адабиёт  
Шеърлар


Гулжамол Раҳмонова шеърлари шарқироқ суаларга ўхшайди. Даб дурустдан юракка бориб урилади. Хулосалари кескин, фикрлари шиддатли, кўнгли манзаралари қандай бўлса, шундайлигича акс этган. Аслида сўз тўғри, кўз тўғри — ундан тўғилаётган мантиқ тўғри ва ҳақдоний бўлиши маъним. Шу маънода Гулжамолни тўғрисида шонча, десак хато қилмаймиз. Юракда бори — қолганга чиқади, ушбу мажмуага сараланган шеърлар — юракнинг тори. Ўқиб кўрини.

1032022  
091

ISBN № 5-633-01839-7

© С.Г.Раҳмонова «Истадм бетақдор бўлишни».

«Янги аср авлоди», 2006 й.



\* \* \*

Шарқироқ сув сойлар-ей,  
Қайга оқиб борасиз?  
Толиққан дил найлар-ей,  
Бўлинг малҳам зора сиз.

Бунча сакраб чопасиз  
Харсангларга урилиб?  
Айтинг, не наф топасиз,  
Зир, беомон югуриб?

Сизга дардин сўйлайди  
Унсизгина мажнунтол,  
Билмам, не деб бўйлайди,  
Сув керакдир, аҳтимол?

Бир бор ювмай ўтинг сиз,  
Толнинг эгик шохини.  
Қирғоқда ким у ёлғиз,  
Кутарми ҳамроҳини?

Шарқироқ сув сойлар-ей,  
Оқиб қайга борасиз?  
Ўйинқароқ, қувлар-ей,  
Қачон ўйнаб толасиз?

Ҳаловатга ташна дил,  
Бўлинг малҳам зора сиз.

\* \* \*

Бугун сиздан кетаяпман, ёр,  
Хўшлашмадик ҳатто сўнгиди,  
Бизни сийлаб тўймади баҳор  
Кун ҳам ботди умр тонгиди.

Бугун сиздан кетаяпман, ёр,  
Сиз-ла ўтган кунларим ёлгон.  
Балки улар туш, балки хаёл,  
Бироқ дилга инди кўп армон.

Бугун сиздан кетаяпман, ёр,  
Қал демайсиз ё сиз бир бора,  
Аразлашдик бир кунда юз бор,  
Кўришмаймиз, энди йўқ чора.

Бугун сиздан кетаяпман, ёр,  
Эриб кетган қордайн бўлиб.  
Куй авжида бўлиб бир озор,  
Узилган у тордайн бўлиб.

Бугун сиздан кетаяпман, ёр,  
Энди бахтлар чорласин сизни.  
Менинг бахтли бўлмоғим дупвор,  
Армон қучар нотагон қизни.

Бугун сиздан кетаяпман, ёр,  
Хайр энди, майли, хуш қолинг.

\* \* \*

Юрагимни эзма куй,  
Ўзи ишқ эзиб ўтди.  
Кел, ярамга малҳам қўй,  
Оҳ, жоним безиб кетди.

Кўнглим-ей, кўп овора  
Ҳар кўчага бош суқиб.  
Ҳадиклардан бечора  
Кетди, ахир, униқиб.

Кўзларимга ўт қўйди,  
Бошим узра бир оғриқ.  
Кўз не, бор вужуд куйди,  
Бу дардлардан эт фориқ.

Йўқ, излаб боролмайман,  
Соғинч жоним олса ҳам.  
Дил сирий билолмайман,  
Будир - бир ширин алам.

Азоблар теграмда шай,  
Кел-эй, куй, дардимни ол.  
Уйқусиз тунларимда,  
Ҳеч-са сен ёнимда қол.

\* \* \*

Фалак эврилади, кунлар ўтади,  
Балки кўришмасмиз энди ҳеч қачон.  
Нима бўлганда ҳам — умр ўтади,  
Нима бўлганда ҳам — тўхтамас замон.

Айланаверади замин бетиним,  
Айланар неча бор баҳорлар кузга.  
Сиз кимсиз,  
Мен кимман,  
Билмайди ҳеч ким,  
Сиз ўзга қизга ёр, бизга ёр ўзга.

Тушуниб етдик биз қорани, оқни,  
Сиз-да изламайсиз, мен-да кутмайман.  
Эзғилаб ўтамиз йиллар ҳазонин,  
Сиз ҳижрон демайсиз, мен қон ютмайман.

Умрлар, умрлар ўтаверар жим,  
Йилларнинг қатига чўкади сирлар.  
Униққан кўнгиллар чорламас ҳаким,  
Ёлғиз ўзимизга ошно хотирлар

Кунлар поёнида сарҳисоб этиб,  
Келгуси тонгларни кутаверамиз.  
Елкага гуноҳу савобни ортиб  
Инсонлардек яшаб ўтаверамиз.

\* \* \*

Ёзги тун.  
Атроф жим...  
Ёлғиз сен ва мен,  
Сочларим тўзритар тун шабадаси.  
Нитоҳлар илғамас — қоронғу замин,  
Сирдан воқиф ёлғиз тун маликаси.

Пана жой...  
Иккимиз,  
Бир тану бир жон,  
Юрак уришлари сезилар ҳатто.  
Кулларинг чамбари сиқиб беомон  
Улдиар, лабларинг этар жон ато.

Юраклар  
Безовта,  
Кўзда хавотир,  
Чирмашиб борамиз узум зангидай.  
Меҳрга ташна дил завқланаётир,  
Бахтиёр бунда биз зафар тонгидай.

Ярим тун...  
Кекса тол...  
Куламиз, тақдирни алдадик дея.  
Келар бу дамларга жонни тиккимиз  
Асрга дахл этар ҳар бир сония.

Отар тонг —  
Айрилиқ,  
Келди хотима.  
Хислар жиловланар, забт этади хуш.  
Майли, осойишта туннинг бағрида  
Сен менга, мен сенга бўлдик ширин туш.

\* \* \*

Дунёни тор деманг, дунё тор эмас,  
Ва ё сизнинг мадҳингизга зор эмас.  
Дардларидан фирон чекманг, йиғламанг,  
Дунё, асли кўз ёшига арзимас.

Бир қарасанг бахтдан сархуш айвон бу,  
Бир қарасанг сийму зар лиқ дўкон бу.  
Кўнгил қолган барчасидан, баридан,  
Асли, овворалик тулган макон бу.

Дунё синов эмас, бу бир эрмақдир,  
Бунча равғо, билмам, кимга керақдир?  
Наҳот инсон зоти шунча қадрсиз —  
Нураётган тупроқ томга тирғақдир?

Бу дунё минг чигалланган таладир,  
Ё онаси ташлаб кетган боладир.  
Чандон зулм эт, ўлмас Ўзин амрисиз,  
Инсон, асли тубсиз Сабр косадир.

Айланар йил, айланади баҳор, ёз,  
Эҳ, одамзод, югуриб ел фурсат оз,  
Келмадинг дунёга ўз ҳоҳишинг-ла,  
Кетмоқда ҳам, э-воҳ, сўрамаслар роз,  
Айланар йил, айланар ер, баҳор, ёз.

\* \* \*

Келмаслигинг биламан, аммо  
Бейхтиёр кутиб яшайман.  
Хижрон захрин ютиб яшайман.

Милтирайди умид учқуни —  
Сўниб борар осмонямда ой.  
Юрак дейди ёлвориб: «Уни,  
майли, яна бир бор кечирай»

Унутилган бевурд севгингни,  
Ардоқлайман, бошга қўяман,  
Келмасанг-да сабаб нотайин,  
Ноилож бир ишга йўяман.

Сен ўйлама, юрагим осмон —  
У бир мўъжаз қушчага ўхшар:  
Қўрқиб, жония нишонга олган  
Пайконлардан беркиниб яшар.

Йўқ, қўрқмас у нобуд бўлишдан,  
Жони сабил қолса ҳам майли.  
Фақат қўрқар сенсиз қолипдан  
Арзимас бир араз туфайли.

Келмаслигинг биламан, аммо  
Бейхтиёр кутиб яшайман,  
Хижрон захрин ютиб яшайман,  
Қилмасанг-да садқа бир назар,  
Мен боримни тутиб яшайман.

\* \* \*

Ғанимлар-ей,  
Чап кўлингиз кўрсатар мени,  
Бундан кимга не наф, билмам, —  
менга зарар йўқ.  
Дўстларимнинг ўнг кўзлари омон бўлсин-ей,  
Улар мени кўрмайдилар чап кўлга лойиқ..

Ғанимлар-ей,  
Мен ўйнасам —  
дунё сизга торлик қиларми?  
Бахтим кўриб ё кўзингиз тортарми хира?  
«Ўйнайвер» деб ўзингизни оқламангиз ҳеч —  
Мен бировдан рухсат сўраб ўтирмам сира.

Ғанимлар-ей,  
Мен ҳақимда фикр айтиб бўлманг овора,  
Ундан кўра бахтингиздан айтингиз алёр.  
Мен шундайин яралганман, энди, на чора,  
Ўзгармайман, ўзгаришим хоҳламаслар бор.

\* \* \*

Сизни сира армон демайман,  
Сиздан келмас армон озори,  
Сизни фақат кулиб эслайман,  
Бўлсангиз ҳам ўзганинг ёри.

Сизни сира армон демайман,  
Асли орау яратган сизни.  
Зинҳор ўкинчларга бермайман  
Хотирамга сиз ўйган изни.

Сизни сира армон демайман,  
Юрагимда исмингиз ўйинқ.  
Таъқибларим канда қилмайман,  
Бўлсам ҳам-ки ишққа илоийиқ.

Сизни сира армон демайман,  
Умидларсиз яшамоқ қийин.  
Сизни эслаб, балки, йиғларман —  
Эсламасам ўлмоғим тайин.

Сизни сира армон демайман,  
Сизни ҳеч кимсага бермайман.

\* \* \*

Умрим гулшанига келганда баҳор,  
Севинч гулобидан тошганда анҳор,  
Бир ёвуз руҳ келиб бермасин озор,  
Сиз мени армонлар қўлига берманг.

Юрагимга гумон чўкканда ногоҳ,  
Фалакка бўй чўзса кўнгилдаги оҳ,  
Сиздан сўраганим биргина паноҳ,  
Сиз мени армонлар қўлига берманг.

Майли, рашик ўтида куйиб кетсин дил,  
Майли, соғинчларда азилсин кўнгил,  
Яшамоқ маънисини бўлмасин чил-чил,  
Сиз мени армонлар қўлига берманг.

Тўйиб, толиб кетдим дунёларидан,  
Ростга ўхшаш ёлғон, рўёларидан,  
Сиз мени, сиз мени асранг баридан,  
Сиз мени армонлар қўлига берманг.

\* \* \*

Кетиб борар йўлда бир одам,  
Бошин қуйи солган бояқиш.  
Моҳиятсиз бунда ҳар қадам,  
Кетиб борар бемақсад, беиш.

Йўлда ҳамма югурик-елик,  
Биз ҳам кетиб борамиз учиб.  
Унга на иш, на ўқиш ҳадик,  
Кетиб борар ўйларин қучиб.

Ана, бошин кутарди бир оз,  
Қараб қўйди йўловчи «Форд»га.  
Бу ҳам унга тушмадими саз,  
Пинак бузмай қайрилди ортга.

Билолмайин қолдим саросар,  
Айро тушди йўлимиз, ёху.  
Нима қилар, қаерга борар  
Қолиб кетди менга қоронғу.

Хануз кетиб борар у одам,  
Кузин ерга тиккан бояқиш.  
Моҳиятсиз бунда ҳар қадам  
Ва ё эсдан чиққан уйғониш.

\* \* \*

Истадим бетакрор бўлишни,  
Ўхшаши йўқ баҳор бўлишни.  
Истаган кўнгилга ўт ёқиб,  
Куйдиргич, дилозор бўлишни.

Қўл чўзим самовий чўққига,  
Қарамай тақдирнинг дўқига,  
Учсам ҳам тухматнинг ўқига  
Тик туриб ўлишни истадим.

Маъшуқин алдаса ошиқлар,  
Кўз ёшга арзимас бу ишқлар,  
Номидан бу маҳзун маъшуқлар  
Қасоскор бўлишни истадим.

Хаётга тик боқдим, ажабо,  
Кўзларга кўриндим беибо,  
Бўлсам-да бахтлардан мосуво,  
Зафар-ла юришни истадим.

Мен иблис онтини ичмадим,  
Йўқ, ахлоқ ҳаддидан чиқмадим,  
Сийму зар, ишратга учмадим,  
Шаҳат бор бўлишни истадим

\* \* \*

Мунаввар тонгларим қуёши,  
Йигитлар ичинда талюши,  
Ҳаётда борлигим бардоши —  
Сен ўзинг.

Ул тилла қафасдан учганим,  
Саҳрода ипқ майин ичганим,  
Дунёю уқбодан кечганим —  
Сен учун.

Яратган ўзи ҳам билмайин,  
Бир бора ҳеч нуқсон қилмайин,  
Яратган у сени атайин —  
Мен учун.

Мен бўлгум қиаларнинг зебоси,  
Койнот ёлғизи — зухроси,  
Бўлсайдим... орзулар аълоси —  
Ёлғизинг.

Дилингни фот этар кузларинг,  
Айтолмай қизарар юзларинг,  
Айт, дилда сақлаган сўзларинг —  
Ким учун?

## СОҒИНИБ

Соғиниб-соғиниб юрагим толди,  
Кўп бор эзғилади руҳимни алам.  
Сиздан яна бир бор сўрагим келди:  
Соғинмадингизми мени ҳали ҳам?

Сиз-ки алдадингиз, ҳаётим сен, деб,  
Наҳот кулиб турган кўзингиз ёлғон?  
Бироқ ўлганим йўқ, юрибман кулиб  
Ҳатто сизга бўлган меҳрим ҳам омон.

Бироз дил ўртади соғинч овори,  
Бир кўриш илинжи қийнади такрор.  
Кутишга сарф бўлди сабримнинг бори,  
Умидлар аразни енгдилар минг бор.

Ҳануз кутаяпман, келиб қолар деб,  
Алдамчи умидлар алдади ёмон.  
Бироқ ўлганим йўқ, юрибман кулиб  
Ҳатто сизга бўлган меҳрим ҳам омон.

## ЎЗЛАРИМ

Дунё ичра яшамакка  
Кўзларим ҳеч тўймайди.  
Истагимча яшамакка  
Ўзларим йўл қўймайди.


Аввал ўзим йўл кўрсатиб,  
Сўнгра ўзим қайт дейман,  
Бу ўз ишим дейман тагин —  
Нима қилдинг, айт, дейман.

Битта ўзим истагимдир,  
Яна бирим — ирода,  
Бирим — ақл, бирим — нафс,  
Мен не қилай, биродар.

Қийналаман аро йўлда,  
Битта бўлсам қанийди.  
Мен ўзимни ўзим қолиб,  
Улар ўз-ча танийди.

Яна ярим нигоҳ билан  
Йўл кўрсатиб кетарлар.  
Буни ўзим тан оламан  
Ўзларим рад этарлар.

Қийналаман аро йўлда,  
Битта бўлсам қанийди.  
Мен ўзимни танимайман,  
Улар қайдан танирди!



\* \* \*

Унут деманг, азиз отингиз  
Юрагимга ўйилиб бўлди.  
Хотирамга сиз ўйган ҳар из,  
Ишқ сирига йўйилиб бўлди.

Энди мендан тиламанг бекор,  
Хотирларни унутмоқликни.  
Менга раво кўрмангиз ошкор,  
Бу ҳижронда қон ютмоқликни.

Майли, кетинг йироқлаб мендан,  
Бироқ қалбим рад этмас сизни.  
Керак бўлсам сўроқланг тундан,  
Қутишларда жон берган қизни.

Шақат келинг сўроқлаб бир бор,  
Жоним олган қонхўр сабрдан,  
Бўлсангиз ҳам қотилга ҳамкор,  
Бош кўтаргум сиз-чун қабрдан.

Сиз ўйламанг севғиси ҳавас,  
Йўқ, дунё ҳам сўрамам сиздан,  
Бир кўриниш ҳадя этинг, бас,  
Бахтли инсон йўқ бу ожиздан.

Майли, сирим айтай шивирлаб:  
Сизни кўп соғиндим азизим.

## КУЗГИ ЯПРОҚ

Кузги япроқ,  
Ранг-рўйинга қараб турсам,  
Бунда бир сўлгинлик туйсам,  
Шунда сендан жавоб сўрсам,  
Билсанг айт, эй, мунгли қароқ,  
Ҳаёт шуми, кузги япроқ?

Ич бағримни ўяр бир ўқ,  
Бугун борсан — эртага йўқ,  
Кун кўрмадинг ёдга лойиқ,  
Ўзинг айтгин, оний ҳамроҳ,  
Ҳаёт шуми, кузги япроқ?

Идроким лол: дунё недур?  
Сабрлига роҳат етур.  
Синон қачон сарҳад этур?  
Жавоби топилмас сўроқ:  
Ҳаёт шуми кузги япроқ?

Нафас олмоқ, емак, халос —  
Бу улимдан бўлмак халос,  
Яшаб ўтма ҳаммага хос,  
Тақдир.. тақдир, дейсан, бироқ,  
Бу ҳаётмас, кузги япроқ.

Бор, энди, сен ҳам чири, туга,  
Қоришиб кет тупроқ, қумга,  
Сен маҳкумсан ахир шунга,  
Ер қяттиқ-да... осмон йироқ...  
Не ҳам дердим, кузги япроқ.

\* \* \*

Тунда тентиб бораман ёлғиз,  
Ой сузади мен-ла баробар.  
Сўз демайди у бирор оғиз:  
Ё эшитмас, ё гунг, ё овсар...

Тунда тентиб бораман таяқчо,  
Йўл четида паст-баланд чинор.  
Қулоғимга шияирлар гоҳо,  
Гоҳ Дардимдан бўлар дилафгор.

Тунда тентиб бораман ёлғиз,  
Манзили йўқ борар йўлимнинг.  
На йирғамас, на кулмас, ожиз,  
Қўними йўқ фикру ўйимнинг.

Тунда тентиб бораман якка,  
Дардлашади минг бир юлдузлар.  
Юлдузлардан яқин юракка  
Етмас, афсус, дилдаги сўзлар.

Тунда тентиб бораман ёлғиз  
Бу дунёнинг поёнин излаб,  
На кўзда ёш, на тилда бир сўз,  
Бораяпман дунёдан бўзлаб.

Мен билмайман, кетаётибман  
Қаёққа... қай манзилни кўзлаб...  
Тунда тентиб бораман ёлғиз.

\* \* \*

Йўллар олис, манзил йироқ,  
Беихтиёр тушдик йўлга.  
Онг — учкур, дид — нозик, бироқ,  
Чидаймиз-да ўнгу-сўлга.

Хаёт нима — ҳаққа қуллик,  
Барчасидан кўнгил қолди.  
Омад келса, қилиб қуллуқ,  
Нафас олиб турсак бўлди.

Яраттандан сўрорим бир:  
Омад эмас, йўқ, бахт эмас —  
Мазмун тўла умр, қадр...  
Бундан ортиқ даркөр эмас.

## БЕДОРЛИК

Залворли кечанинг салобатини,  
Елкангга ортасан яккаю ёлғиз.  
Ўзаллик яширин тун хилқатини  
Ақл бовар қилмай, қолясан ожиз.

Безовта юрагинг урар ҳапқириб,  
Ёлғиз ўзга аён қилганинг гуноҳ.  
Бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмайсан,  
Унга гувоҳ бўлган ягона Оллоҳ.

Бундай тунда уйроқ қолиплик малол,  
Нураб, емирилиб боради бардош.  
Орзу ва борлиқнинг исканжасида,  
Бечора руҳим-ей, бўлади талош.

Қора тун комига тортар бешафқат,  
Ҳаёт йўлларида афсона сўйлаб.  
Майли-да, дейсану тугайди тоқат,  
Ечимсиз ўйларни такроран ўйлаб.

Ҳеч бир ўзгаришсиз туради ҳаёт,  
Бунда қийналади бечора руҳинг.  
Тонгнинг отишини кутасан интиқ,  
Шунда ёрилишга майли бор бошинг.

Тун сени яширар ўзга кўзалардан,  
Ўзни англашинга беради имкон.

## КЕЛТИРУР

Бази аро кўрдим сузиб, кўз мисли Юсуф ўлтирур,  
Ҳар нигоҳ бекори ишқдин юз харидор келтирур.

Қоматин нозик ниҳолга менгзадим, лек зўр бериб  
Даҳри бўрон синдиrolмай, изирийн қор келтирур.

Изирийнда тоб олган гул юзини кўрса гар,  
Фарҳод ўзидин кетиб, Хисравлар дор келтирур.

Қопларин кўрган Ширин шул заҳот беҳуш бўлиб,  
«Кўрдим, — дея, — янги ойни» имон тақрор келти-  
рур.

Лаблари ял-ял ёнару товланар мисли гилюс,  
Сабза мўйлаблар қилиб рапик, лабга чачвон келти-  
рур.

Яратган ҳайрону лол гулдек жамолини кўриб,  
Йўқ эмиш андозаси — дунёга бир бор келтирур.

Таърифин айтмакка тилда қолмади зарра мажол,  
Қанча нодир сўзни топ — таърифга озор келтирур.

Тупда восил бўлсам унга, шу ширин бир туп учун,  
«Розиман, жоним садоға!» деб Гули ашғор келти-  
рур.

\* \* \*

Кеч куз...  
Рутубатли ҳаво,  
Қуюқ туман — шоҳ солган арк.  
Ер юзини қоплаган қўнғир,  
Шалаббо ҳўл барг.

Кеч куз...  
Осмонида эринчоқ қуёш  
Нур сочади ҳолсиз, бемадор.  
Нигоҳида аламли сўлиш,  
Умидсизлик унда барқарор.

Кеч куз...  
Кўз ўнгимда она табиат.  
Беҳаё дарахтлар ярим яланғоч,  
Турар титраб совуқдан дир-дир,  
Сув бўйида кекса қайрағоч.

Кеч куз...  
Арикда сув — шишадан тиниқ,  
Хаёли паришон, манзил нотайин.  
Оқиб борадилар, этмайдилар миқ.

Кеч куз...  
Она замин сукутда бу он.

\* \* \*

Кеча-кундуз хаёлда бир ўй:  
Ишқинг гули сўлмаса дейман.  
Дунёда кўп санам парируй,  
Мендан кўнглинг қолмаса дейман.

Сен бор учун уради юрак,  
Сен бор учун оламан нафас.  
Сен бир мени севмоғинг керак,  
Йўқса дунё мен-чун тор қафас.

Ёлғиз ўзинг — менинг тилагим,  
Сен мен учун энг етук инсон.  
Мен билмаган нуқсонларинг ҳам  
Қолдирилмас кўнглим бегумон.

Фақат мени севмоғинг даркор,  
Хаёт ичра ҳаммадан ортиқ.  
Хўп, севаман демагин такрор,  
Бир кўриниб бахтни эт тортиқ.

Севгин мени ҳаммадан ортиқ.

\* \* \*

Қор ёғар бу оқшом бўралаб, унсиз,  
Йиллар тўзониинг губорин ювиб.  
Хотирадан ўчган хатоларимиз,  
Ҳам билмай босилган иларни кўмиб.

Қор ёғар бу оқшом бўралаб, унсиз,  
Хар бир заррасида бор минг бир ҳикмат.  
Қайтмас лаҳзалардан, ўтган имкондан  
Сўйлар каби ўхшар у кўҳна эртак.

Қор ёғар бу оқшом бўралаб, унсиз,  
Оқ сукунат ичра ёлғиз қоламан.  
Гўё бўлмагандай ўтган ҳаётим,  
Ҳиссиз, хотирасиз бир он тинаман.

Қор ёғар бу оқшом бўралаб, унсиз,  
Йўқ бўлиб кетаман хаёл — рўёда.  
Ҳохлайман тинмаса, бўлса у сўнгсиз,  
Қайтиб келмасайдим носоз дунёга.

\* \* \*

Бегим, кўйингизда кўп фирон ютган,  
Бу кўнгилни кўзга илмай ўтдингиз.  
Тунларни тун демай дийдорни кутган,  
Умидларга парво қилмай кетдингиз.

Эссиз, кўзларимга сурма тортгандим,  
Қопларимга ойни этиб андоза.  
Хаётимда сиз-ла маъни топгандим,  
Муҳаббатим ади булоқдай тоза.

Ўтдай нигоҳларнинг қадри йўқ энди,  
Битта кўнглингизга ўт соломаса.  
Ўлжасин уролмай мужгонлар сянди,  
Майли, энди ундан асар қолмаса.

Майли, не ҳам дердим, қиз — қалб тутқу-  
ни,  
Кетишни ихтиёр этдингиз, бегим.  
Мен йиғлаб ўтарман, сиз ҳам бир куни  
Тушуниб етарсиз ишқнинг нелигин.

Бегим, майли, кетинг Кумушлар бисёр,  
Майли, ширин бахтлар чорласин сизни.  
Менинг сизсиз бахтли бўлмоғим душвор  
Армон банди этар нотаваон қизни.

\* \* \*

Ёнимдан ўтганда жимгина кулиб,  
Бир ширин илинжни ҳада этасиз,  
Аммо дилим қолар яна мунрайиб —  
Сиз яна йўқ бўлиб, бадар кетасиз.

Хабарлар келади шириндан ширин:  
«Кўнгли унинг сенда», дея айтишар.  
Билолмайман, бу ўт, оташнинг сирин,  
Гоҳ дилга малҳам у, гоҳ дардисар.

Орият юклари бўлса ҳам оғир,  
Беихтиёр тушар сиз томон йўлим.  
Ўзлигин англолмай бўлади дилгир,  
Кўнгилнинг қўлида ғурур — шўрлигим.

Кўнлар ўтаётир, беҳуд, бесамар,  
Хар зарра қувончим сизга илиниб.  
Ярим тўнлар бедор, мудраб тонг саҳар,  
Сизни уйлайвериб — руҳим тилиниб.

Яна кўчангизда кезинаман жим,  
На мақсад бор бунда, на бирор аъмол.  
Кимнидир излайди кўзлар бетиним,  
Барқ уриб туради юздан бир савол.

Мана ўша савол, юракни азган:  
Айтивг кўнглингизда ким бор, кимлар бор?  
Ё сизга фаришта бўлиб кўринган —  
Биздан ортиқмиди ўша гулрухсор?

Ойдан тушганмиди ё ўшал дилдор...

## ОТАБЕГИМ

Мен севгандим Кумушдан юз чандон ортиқ,  
Этар эдим юзта жоним бўлса тортиқ,  
Бироқ дилим тилкалайди битта орриқ —  
Қуйнингизда ўзга ёр бор, Отабегим.

Сизни излаб кўчангиздан юз бор ўтдим,  
Ўз бошимга ёғдириб кўп озор ўтдим,  
Бир кўришлик садқа тилаб абгор ўтдим,  
Телба кўнгил этди кўп хор, Отабегим.

Ёнингизда ойқиз юрар, ойдек тўлиб,  
Мен ҳам ўлмай юрибман-ку... ўйнаб-кулиб,  
Наҳог бир бор бахт туймасак одам бўлиб,  
Сиз унда зор, мен бунда зор, Отабегим.

Ҳа, биладан, сизни орау қилмоқлик кеч,  
Сиз-ла бўлмоқ бахти насиб бўлмайди ҳеч.  
Эй, шум тақдир, чигалларинг, кел, ўзинг еч,  
Менда бунга йўқдир мадор, Отабегим.

\* \* \*

Қадримни ҳеч билмадингиз сиз —  
Мен ўзимни қадр этаман.  
Армон дилга солса ҳамки из,  
Мен барибир сиздан кетаман.

Сизни: сира қарғамайман, йўқ,  
Араزلарни ўтга отаман.  
Муҳаббатим кўзин қилиб лўқ,  
Мен барибир сиздан кетаман.

Керак эди сиздан бир меҳр,  
Майли, бахтни кўрмай ўтаман.  
Хо-ю ҳавас этолмас сеҳр —  
Мен барибир сиздан кетаман.

Тўлин ойли сўлим тунларим  
Эслаб, балки, фирон чекарман.  
Алвидо, эй, маъсум кунларим,  
Мен барибир сиздан кетаман.

Ишққа тўла баҳорим қайтиб  
Келса унга оғу тутарман,  
Беун йиғлаб, видолар айтиб,  
Мен барибир сиздан кетаман.

## МУНДАРИЖА

|                                             |    |
|---------------------------------------------|----|
| «Шарқироқ суя сой лар-ей...» .....          | 3  |
| «Бугун сиздан кетаялман, ёр...» .....       | 4  |
| «Юрагимни азма, куй...» .....               | 5  |
| «Фалак эврилади, кунлар ўтади...» .....     | 6  |
| «Ёзги тун...» .....                         | 7  |
| «Дунёни тор деманг, дунё тор эмас...» ..... | 8  |
| «Келмаслигинг биламан, аммо...» .....       | 9  |
| «Ҳанимлар-ей...» .....                      | 10 |
| «Сизни сира армон демайман...» .....        | 11 |
| «Умрим гулшанига келганда баҳор...» .....   | 12 |
| «Кетиб борар йўлда бир одам...» .....       | 13 |
| «Истадим бетакрор бўлишни...» .....         | 14 |
| «Мунаввар тонгларим қуёши...» .....         | 15 |
| Соғиниб .....                               | 16 |
| Ўзларим .....                               | 17 |
| «Унут деманг азиз отингиз...» .....         | 18 |
| Кузги япроқ .....                           | 19 |
| «Тунда тентиб бораман ёлғиз...» .....       | 20 |
| «Йўллар олис, манзил йироқ...» .....        | 21 |
| Бедорлик .....                              | 22 |
| Келтирур .....                              | 23 |
| «Кеч куз...» .....                          | 24 |
| «Кеча-кундуз хаёлда бир ўй...» .....        | 25 |
| «Қор ёғар бу оқшом бўралаб, унсиз...» ..... | 26 |
| «Бегим, кўйингида кўп фиғон ютган...» ..... | 27 |
| «Ёнимдан ўтганда жимгина кулиб...» .....    | 28 |
| Отабегим .....                              | 29 |
| «Қадримни ҳеч билмадингиз сиз...» .....     | 30 |

Адабий-бадвий нашр

ГУЛЖАМОЛ РАҲМОНОВА

ИСТАДИМ БЕТАҚРОР БЎЛИШНИ

*Шарҳлар*

|                         |               |
|-------------------------|---------------|
| Мухаррир                | А.Қутбиддин   |
| Риссам                  | Б.Бозоров     |
| Тех. муҳаррир           | Е.Демченко    |
| Мутоххид                | Н.Минихмедова |
| Компьютерда саҳифалашчи | Р.Есаулесча   |

ИБ 4136

Басниги 28.01.2006 рухсат этилди. Басниги 70х84 1/32.

Басма табағи 1,0. Шартли басма табағи 1,17.

Адади 1000 нусха. Баҳоси келишилган тарзда.

Бумруғи № 16

Оригинал мамат «El Press» тамонидан бажарилди  
«Янги аср акадeмi» нашриёти матбаа марказида тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмаханасида босилди.

700113, Тошкент, Чкалов-8, Қатортал кўчаси, 60.